

электр энергияси түлиқ хажмда етказиб берилмаслиги ёки сифат кўрсаткичлари давлат стандартларига мувофиқ бўлмаган электр энергияси етказиб берилиши оқибатида худудий электр тармоқлари корхонаси ёки электр таъминоти корхонаси (айбдор ташкилот) томонидан етказилган зарарларни белгилангандар тартибда қоплаш;

Шартномани қонун ҳужжатларига мувофиқ бир томонлама тартибда бекор қилиш;

Шартнома бекор қилганда фойдаланилмаган электр энергияси миқдори учун тўланган маблагни қайтарилишини талаб қилиш;

Электр энергияси етказиб берилиши тўхтатилганда етказилган зарарни қоплашни талаб қилиш;

электр таъминоти шартномасини тузишда ва бажаришда юзага келаётган низоларни ҳал этиш учун судга, монополияга қарши давлат органига ёки бўйсунуви бўйича юқори органга (мансадор шахсга) мурожаат қилиш.

Истеъмолчи қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳукукларга ҳам эга.

4.2. Истеъмолчи қуйидагиларга мажбур:

Таъминотчи корхона томонидан белгилангандар тартибда электр энергиясини истеъмол қилиш режимига риоя этиш;

фойдаланилган электр энергияси (куввати) учун ўз вақтида ҳак тўлаш;

ишлатилаётган электр қурилмалари, асбоблар ва асбоб-ускуналарнинг зарур техник ҳолатини ва истеъмолчиларнинг электр қурилмаларини эксплуатация қилишда хавфсизлик техникаси қоидаларига риоя қилинишини таъминлаш, худудий электр тармоқлари корхонасига ёки электр таъминоти корхонасига электр асбоб-ускуналарнинг носозлиги тўғрисида хабар қилиш;

электр энергиясидан оқилона фойдаланиш чора-тадбирларини амалга ошириш;

“Ўзэнергоинспекцияси”нинг ёзма кўрсатмаларини ўз вақтида бажариш;

Электр қурилмаларининг тузилиши қоидалари талабларига риоя этиш;

ўрнатилган тартибда Таъминотчи корхона вакилига электр энергиясини ҳисобга олиш приборларини кўришига имкон бериш;

йил мобайнида янгидан ишга тушириладиган электр қурилмаларидан фойдаланиш бошланишидан камида бир ой олдин электр энергиясининг зарур миқдори учун худудий электр тармоқлари корхонасига буюртманома бериш;

келгуси йил учун электр энергиясига бўлган эҳтиёжни аниқлашда электр энергиясини электр тармоқларидан узатишда, ишлаб чиқариладиган маҳсулотнинг (ишлар турларининг) технологик жараёни ишлаб чиқариш эҳтиёжларига, ишлаб чиқариш бинолари ва маъмурий биноларни ёритиш, иситиш, шамоллатиш учун электр энергия сарфини, шунингдек, ушбу электр тармоқларига уланган субистеъмолчиларнинг эҳтиёжини ҳисобга олиш.

Истеъмолчи томонидан ҳисобга олиш приборни ЭҲНАТда муқобил (соз ҳолда) ишлашига тўскинлиқ қилиши амалдаги Қонун ва бошқа меъёрий ҳукукий ҳужжатларга асосан жавобгар бўлишига сабаб бўлади.

Шунингдек, уланган қуввати 5 МВт ва ундан ортиқ бўлган Истеъмолчи Таъминотчи корхонанинг талабига кўра қуйидагиларни ҳисобга олиши ва бу хақида хабар бериши шарт:

истеъмол қилинаётган қувватнинг ҳар суткалик, ҳар ойлик сарфи ва амалдаги миқдори;

ягона электр энергетика тизимининг энг кўп ва энг кам юкламали даврларида реактив энергия ва қувватнинг ҳар суткалик сарфи;

ягона электр энергетика тизимининг энг кўп юкламасининг ўтиш даврида актив энергия (кувват)нинг ҳар 30 дақиқадаги сарфи.